



2018 у. г. «23» Феврал № 249 **Toyloq sh. – г. Тайлак**

Самарканд вилоят хокимининг 2018 йил 7 февралдаги 79-Қ-сонли,  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги  
ПҚ-3506-сонли “2018 йилда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш Давлат  
дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги  
қарори ҳақида

Самарканд вилоят хокимининг 2018 йил 7 февралдаги 79-Қ-сонли,  
Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-3506-  
сонли “2018 йилда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш Давлат дастурини амалга  
ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида,  
“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси  
Қонунининг 6 ва 25-моддаларига асосан

#### **ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Вилоят хокимининг 2018 йил 7 февралдаги 79-Қ-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 3 февралдаги ПҚ-3506-сонли “2018 йилда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш Давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг мазкур қарори билан:

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлигига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хокимлари билан биргаликда зарур ҳолларда ҳудудлар ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бўйича янгидан тасдиқланадиган давлат дастурларидан келиб чиқиш, Давлат дастури прогноз параметрларига асосланган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳукуқи берилганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда:

тадбиркорлик, хунармандчилик, касаначилик, шахсий ва деҳқон хўжаликларида банд бўлган, шунингдек, бандликнинг бошқа самарали турларига жалб этилган касб-хунар коллежлари ва академик лицейлар биттирувчиларнинг бандлик ҳисобини юритишни тартибга солиш қисмида “collej.mehnat.uz” автоматлаштирилган ахборот тизимини такомиллаштириши;

умумтаълим мактабларини тугатган ёшларни, олий таълим муассасалари биттирувчиларини, жамоат ишига жалб этилган банд бўлмаган аҳоли, Куролли кучлар сафидан бўшатилган фуқаролар ҳамда жазони ижро этиш

туманлар ҳокимлари уларнинг биринчи ўринбосарлари, иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарлари узлуксиз икки чорак давомида ёки йил давомида уч чоракда прогноз кўрсаткичлари бажарилмаган, жойлардаги аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича ишлар қоникарсиз деб топилган тақдирда, эгаллаб турган лавозимларига муносиблиги масаласи кўриб чиқилиши ҳақида огоҳлантирилганлиги ;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри, туман ва шаҳарлар ҳокимликлари, мафаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2018-йилда Давлат дастури ижроси бўйича амалга оширилаётган тизимли мониторинг натижасини умумлаштирилишини таъминлаши натижаси юзасидан ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига тегишли маълумотлар киритилиши;

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосарлари Вазирлар Маҳкамасининг комплекслари раҳбарлари;

ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекс йиғилишларида 2018 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашиш тармок дастурларини амалга ошириш жараёни, шунингдек, назорат қилувчи вазирлик, идоралар ва ҳўжалик бирлашмалари тасарруфидаги касб-хунар коллежлари, олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масалаларини танқидий кўриб чиқилишини;

Тегишли комплекслар таркибига ва Давлат дастурининг манзилли рўйхатига киритилган ташкилотлар томонидан лойиҳаларни амалга ошириш доирасида ташкил этиладиган янги иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар лойиҳалар ишга туширилганидан сўнг туманлар (шаҳарлар) иқтисодиёт ва ҳудудларни ривожлантириш бўлимларига, шунингдек, туманлар (шаҳарлар) аҳоли бандлигига кўмаклашиш марказларига тақдим этилишини таъминлаши маълумот учун қабул қилинсин.

3.Тойлок туманида 2018 йилда аҳоли бандлигига кўмаклашишнинг асосий йўналишлари этиб белгилансин;

**биринчи**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Самарканд вилоятига амалга оширган ташрифлари давомида ишлаб чиқилган саноат, қишлоқ ҳўжалик тармоқлари ва хизмат кўрсатиш соҳаларидаги лойиҳалар, шунингдек, шаҳарлар ва туманларни комплекс ривожлантириш дастурларини ҳамда тармоқларни ривожлантириш дастурлари доирасида 13.4 мингдан кам бўлмаган иш ўринлари яратиш;

**иккинчи**, фаолият юритмаётган, хусусийлаштирилган корхоналар ва давлат мулки объектлари негизида янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича “йўл харита”лари ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига 2.4 минг янги иш ўринлари ташкил этиш;

**учинчи**, қишлоқ жойларда арзон уй-жойлар, кўп қаватли турар-жойлар, йўл-транспорт ва муҳандислик-коммунал инфратузилма қуриш ҳисобига 3.8 мингта иш ўринларини ташкил этиш;

**туртинчи**, янги мактабгача таълим ва таълим муассасалари, соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт объектларини қуриш ва тиклаш натижасида янги ижтимоий инфратузилма муассасаларини ишга тушириш ҳисобига 779 та иш ўринларини ташкил этиш;

**бешинчи**, максимал қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб қувватлаш ва рағбатлантириш бўйича ишларни кучайтириш натижасида 9.3 мингга яқин иш



жойлари ташкил этиш, шу жумладан, уларга солиқ имтиёзлари бериш, текширувларни ўтказишга икки йиллик мониторинг жорий қилиш, имтиёзли микрокредитлар ажратиш, яқка тартибдаги тадбиркорлар томонидан ишчиларни ёллашни рағбатлантириш, ҳудудларда ҳунармандчилик марказларини ташкил қилиш асосида ҳунармандчиликни ривожлантириш, ҳунармандларга бўш турган хоналарни ажратиш, уларни хом ашё ва материаллар билан таъминлаш, “усто-шогирт” услуби бўйича ҳунарларга ўргатишни кенг жорий этиш ҳисобига 3.2 минг иш жойларини ташкил этиш;

**олтинчи,** 17.9 минга яқин банд бўлмаган аҳолини мавсумий ва вақтинчалик ишлар билан банд этиш, айниқса 17.7 минг кам таъминланган аҳолининг оила аъзоларини жамоат ишларига жалб қилиш, шунингдек, 142 кишини бир марталик ишлар билан таъминлаш бюроси орқали вақтинчалик бандлигини таъминлаш;

**еттинчи,** 5.6 минг квоталаштирилган иш ўринларига касб-ҳунар коллежи биттирувчилари, қуролли кучлар сафидан бўшатилган фуқаролар, жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахслар, шунингдек, бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифадаги аҳолини ишга жойлаштириш, 3.2 минг банд бўлмаган шахсларни касбга ўқитиш марказларида касб-ҳунарга ўқитиш ва қайта тайёрлашни амалга ошириш, Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва Меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги Ташки Меҳнат миграцияси масалалари агентлиги орқали 4.9 минг фуқарони чет элда ташкиллаштирилган тарзда ишга жойлаштириш;

4. 2018 йилда туманда аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат дастурини амалга ошириш бўйича Концепция ва чора-тадбирлар комплекси маъқуллансин.

5. Мазкур қарор, туман ҳокимлиги, туман иқтисодиёт ва ҳудудларни ривожлантириш бўлими, туман Бандликка кўмаклашиш маркази ва тумандаги иш берувчи ташкилотлари билан биргаликда ишлаб чиқилган ва қўйидагиларни ўз ичига олади:

2018 йилда Тойлоқ туманида доимий иш ўринларининг ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш прогноз параметрлари 1-ва 1а-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин;

фаолият юритмаётган, хусусийлаштирилган корхоналар ва давлат мулки объектлари негизида янги ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича “йўл харита”лари ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш ҳисобига янги иш ўринларини ташкил этиш прогноз параметрлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги жамоат ишлар жамғармаси маблағлари ҳисобига 2018 йилда банд бўлмаган аҳолини жамоат ишларига жалб қилиш прогноз параметрлари 3-ва 3А-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин;

2018 йилда яқка тартибдаги тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш ҳисобига бандлигини таъминлаш прогноз параметрлари 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

банд бўлмаган шахсларни ташкиллаштирилган касб-ҳунарга ўқитиш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, 2018 йилда Аҳоли бандлигига кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобига ишсизлик нафақасини тўлаш прогноз параметрлари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

ҳар чоракдаги тақсимот бўйича шаҳарлар ва туманлар кесимида 2018 йилда банд бўлган аҳоли сони ўсишининг прогноз параметрлари 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

муассасаларидан озод этилган шахслар бандлиги ҳисоби бўйича автоматлаштирилган ахборот тизимини ишлаб чиқиши ва жорий этиши.;

саноат тармоқларида қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида ривожлантириш давлат дастурлари ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида янги доимий иш ўринларини ташкил этишда шаффоф ва ишончли ҳисоб-китобни олиб боришни таъминлаш бўйича автоматлаштирилиб такомиллаштирилган аҳорот тизимини яратиш чораларини амалга ошириши;

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги икки ой муддада:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда иш ўринларига давогарларнинг ярмаркаларда онлайн режимда масофавий иштирокини назарда тутувчи банд бўлмаган аҳоли учун вакант бўш иш ўринлар ярмаркаларини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаши;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари пенсия жамгармаси билан биргаликда суғурта бадалларининг белгиланган миқдорини тўлаш йўли билан чет элда меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ўзини ўзи банд қилган фуқароларни давлат ижтимоий суғурта тизимига ихтиёрий тарзда жалб этиш чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаши;

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси, Ёшлар иттифоқи, Қорақалпоғистон Республикаси вазирлар кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда кам таъминланган оила аъзоларининг бандлигини таъминлаш ва уларнинг даромадларини ошириш бўйича Республиканинг барча ҳудудларида “ханкин тажрибаси”ни самарали оммалаштириш мақсадида маҳаллаларда аҳолини, айниқса ёшлар ва аёлларни ишга жойлаштиришда фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органлари ходимларига Бўш иш ўринлари миллий базасига кириш ҳуқуқини тақдим этиш орқали, шу жумладан, базага янги бўш ўринлар киритиш ва ишга жойлаштириш учун йўлланма беришнинг янги тизимини жорий этиш бўйича “йул харитаси”ни ишлаб чиқиши ва тасдиқлаши;

Бандликка кумаклашиш ҳудудий ва тармоқ дастурлари бажарилишининг бориши юзасидан мувофиқлаштириш ва назорат қилиш функциялари;

Республика даражасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6 майдаги ПҚ-2960 сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган Маҳаллий ижро ҳокимияти органлари ва иқтисодий комплекс органлари раҳбарларини аҳоли бандлигини ошириш учун моддий рағбатлантириш ва шахсий масъулиятини кучайтириш чора-тадбирларини мувофиқлаштириш бўйича Комиссия зиммасига;

ҳудудий, туман шаҳар даражасида-Бандликка кумаклашиш ҳудудий ва тармоқ дастурларининг ижросини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш вазифалари, аҳоли бандлигига кумаклашиш давлат дастурини ишлаб чиқиш ва ижросини мувофиқлаштириш бўйича доимий фаолият олиб борадиган ҳудудий, туман (шаҳар) ишчи комиссиялари зиммасига юкланганлиги;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 6-майдаги “Аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича олиб борилаётган ишлар натижадорлиги ва самарадорлигини оширишда маҳаллий ижро ҳокимияти ва иқтисодий комплекснинг ҳудудий органлари раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш чора-тадбирлари” тўғрисида ПҚ-2960 сонли қарорига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоят, шаҳар ва



2018 йилда вилоятда Аҳоли бандлигига кумаклашиш давлат дастурини амалга ошириш бўйича Концепция 7-ва 8-иловаларга мувофиқ маъқуллансин;

6. Тойлоқ туман Аҳолини бандлигига кумаклашиш маркази (М.Гадоев), иктисодиёт ва ҳудудларни ривожлантириш бўлими (А.Маърупов), ўн етти кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳудудларни жадал ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлашга доир устувор чора-тадбирлар тўғрисидаги” 2017 йил 8 августдаги ПҚ-3182-сонли қарорига мувофиқ ташкил этилган ҳудудий дастурлар прогноз параметрларини туманлар секторлари кесимида белгилаш билан бирга, аниқ ташкилот ва лойиҳаларни кўрсатган ҳолда, шунингдек, 2018 йилда аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий йўналишлари ва Давлат дастури прогноз параметрларини ҳисобга олган равишда, аҳоли бандлигига кумаклашиш ҳудудий дастурини (кейинги ўринларда ҳудудий дастур) ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун туман ҳокимига киритсин;

7. Аҳоли бандлигига кумаклашиш ҳудудий дастурини ишлаб чиқиш ва ижросини мувофиқлаштириш бўйича доимий фаолият олиб борувчи туман комиссияси таркиби ва комиссия аъзоларига юкланган вазифалар таркиби 10-иловага мувофиқ тасдиқлансин;

8. Тойлоқ туман Аҳолини бандлигига кумаклашиш маркази (М.Гадоев), иқтисодий ва ҳудудларни ривожлантириш бўлими (А.Маърупов), туман Статистика бўлими (Б.Жабборов), тумандаги тегишли ташкилотлар билан биргаликда 2018 йилда ҳудудий дастур ижроси бўйича амалга ошираётган тизимли мониторинг натижасини умумлаштирилишини таъминласин, натижаси юзасидан ҳар чоракда туман ҳокимлигига тегишли маълумотларни киритсин;

9. Туман ҳокимининг тегишли ўринбосарлари:

ҳар чоракда комплекс йиғилишларида 2018 йилда аҳоли бандлигига кумаклашишнинг ҳудудий дастурининг амалга ошириш жараёни, шунингдек, касб-ҳунар коллежлари, Олий таълим муассасалари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш масалалари танқидий кўриб чиқилишини таъминлаш;

тегишли комплекслар таркибига ҳамда ҳудудий дастурининг манзилли рўйхатига киритилган ташкилотлар томонидан лойиҳаларни амалга ошириш доирасида ташкил этиладиган янги иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлари лойиҳалар ишга туширилгандан сўнг туман иқтисодиёт ва ҳудудларни комплекс ривожлантириш бўлими ва аҳолини бандлигига кумаклашиш маркази билан бирга таъминласин.

10. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Мусинов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:



Б.Садуллаев